



" 30 " *апрель* 20 *18* у. № *12*

**“Ялпи худудий маҳсулотни ҳисоблаш бўйича
услугий низом”ни тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3165-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек ялпи худудий маҳсулот хажмини ҳисоблаш бўйича халқаро стандартларга асосланган статистика услубиятини такомиллаштириш мақсадида, Давлат статистика қўмитаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. “Ялпи худудий маҳсулотни ҳисоблаш бўйича услубий низом” иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор кучга кирган кундан бошлаб, Давлат статистика қўмитасининг 2010 йил 1 декабрдаги “Ялпи худудий маҳсулотни ҳисоблаш бўйича услубий низом”ни тасдиқлаш тўғрисидаги 16-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарор 2018 йил 1 майдан бошлаб кучга киради.

Раис

Б.Бегалов